



ФУҚАРОЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНМОҚДА

(Давоми 2-бетда)

ҚОНУНАН ҚАДРЛАНАЁТГАН КАСБ

Ватанимиз эжда катта сиёсий ўзгаришлар бўсағасида турибди. Буни ҳаммамиз сезиб, билиб турибмиз. Яъни янгиланаётган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – халқ муҳокамасига қўйилди.

Ушбу Конституциявий қонун ва ушбу Конституциявий қонун таҳриридаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш – Ўзбекистон Республикаси Референдуми билан амалга ошириладиган бўлди. Бу муҳим сиёсий сана 30 апрель куни деб белгиланди.

Бу сиёсий жараёнда ҳар биримиз фуқаролик бурчимизни амал-



га ошириб, жиддий ёндошишимиз ниҳоятда муҳим. Нега деганда, Янги таҳрирдаги Конституциянинг бош мезони – жонажон Ўзбекистонимизнинг тараққиёти ва гуллаб-яшнаши, янада тараққий этиши, халқаро ҳамжамиятда дўстона шерикчилик олиб бориш, тинчлик ва тотувлик асосида ривожланиш ва тараққийлашиш, демократия, эркинлик ва тенглик,

ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқат каби кўплаб умминсоний ғоялар акс этаётгани – Инсон кадри қонунан кафолатланаётганининг яққол белгисидир.

Янги таҳрирдаги Конституцияда барча соҳалар каби таълим соҳасига ҳам жиддий эътибор берилгани биз педагогларни хурсанд қилди.

(Давоми 3-бетда)

БЕГОНАЛАР ИЧИДАГИ ЎЗИМИЗНИКИЛАР

Яқинда фашизм устидан қозонилган ғалабага 78 йил тўлади. Бу ғалабага бизнинг боболаримиз ҳам муносиб ҳисса қўшганларини ҳеч ким инкор этмайди. 1941-1945 йилларда Ўзбекистон халқи жанг майдонларида ва фронт ортида улкан жасорат ва матонат кўрсатган. Урушда қатнашган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликларнинг ярим миллиондан ортиғи ҳалок бўлди, 133 мингга яқини бедарак йўқолди, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтди. Сўнги йиллардаги маълумотлар бу рақамлар янада каттароқ бўлганини кўрсатади.

Албатта, урушдан ғалаба билан қайтган аскарларимизга совет йилларида ҳам, мустақиллик даврида ҳам етарлича эътибор қаратилган ва қаратилмоқда. Урушда жасорат кўрсатган ватандошларимиз учун ёдгорликлар ўрнатилган, уларнинг номлари кўчалар, хиёбонлар, мактабларга берилган, улар ҳақида ҳар йили янги-янги фильмлар ишланмоқда.

Бирок, шу урушга жангчиларимиз сафида фронтга отланиб, кейинчалик немисларга асир тушган, алалоқибат “Туркистон легиони” аталмиш ҳарбий тузилмага қўшилиб, совет қўшинларига қарши жанг қилган, кейинчалик шарафсиз ўлим топган ёхуд дунёнинг турли ҳудудларига тарикдек сочилган ҳамюртларимиз

ҳақида ҳар доим ҳам илиқ гапларни эшитмаймиз.

Хўш, “Туркистон легиони” нима ўзи? Фашистларга тобе, миллатпараст тузилмами ёхуд амалга ошмаган Туркистон орзусини немислар кўмагида рўёбга чиқаришга уринган боболаримизнинг муваффақиятсиз уринишими? Улар сафига ўтган ўзбеклар-чи? Ватан хоиними, вазият қурбоними ёхуд миллатнинг асл ўғлонлари?

Сир эмас, Чор Россияси ҳам, Совет ҳукумати ҳам Туркистон халқлари бошига мислсиз кулфатларни солди, Марказий Осиёдаги мавжуд давлатларнинг кулини кўкка совуриб, озодлик учун отланган боболаримизни босмачи атаб, аёвсиз тўпга тут-

ди, ягона давлат қуриш орзусида ёнган жадидларимизни қирғин қилди. Миллат дардида ёниш, фикрлашга қобил зиёлиларимиздан “халқ душмани” ясаб, қатағон жодисидан ўтказди.

Большевиклар босқинидан сўнг Туркистон мухторияти, Бухоро ва Хоразм ҳудудидан минглаб маҳаллий аҳоли вакиллари Афғлистон, Хитой, Туркия, Германия сингари мамлакатларга хижрат қилдилар. 30-йиллар бошида Германияга давлат тепасида келган нацистлар аллақачон Совет шарқидаги вазият, жумладан иттифок ҳудудидаги ва ундан ташқаридаги туркистонликлар кайфиятини чуқур ўргана бошлаган эди. XX аср бошидан Чор Россияси ва большевикларнинг, Сталин ҳукуматининг Марказий Осиё халқларига ўтган жабр-зулмлари нацистларга яхши маълум, қасоскор ва мазлумларнинг кучидан умумий душманга қарши курашга фойдаланиш уларнинг режасидан аллақачон ўрин олганди.

Хўш, Совет ҳукумати бундан хабарсизмиди? Сон-саноксиз укубатларга гирифтор қилинган

ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар ва бошқа халқлар вакилларига нисбатан ишончсизлик йўқ эмасди, албатта. Маълумотларга кўра, 1935 йилгача, Ўрта Осиё республикалари вакиллари ҳарбий хизматга деярли олинмаган. Уруш хавфи орта боргач, ҳукумат Армия сафларини тўлдириш учун бу тактикани ўзгартиришга мажбур бўлган. Аммо, барибир туркистонлик жангчиларга “иккинчи даражали” аскарлар сифатида қараш сақланиб қолганди.

Биргина Ўзбекистондан урушга сафарбар қилинган бир ярим миллион аскар орасида “Босмачи”, “жадид”, “халқ душмани”, “жосус”, “хоин” сифатида отиб ташланган минглаб бегуноҳ ватандошларимизнинг ака-укалари, фарзандлари, яқинлари ҳам бўлган. Боринги, улар орасида ўз жигарларининг “хоин”лигига ишонган ва совет ҳукуматида содиқлик онтини ичганлар ҳам бўлган. Аммо, аксарият йигитлар қалбидаги дард, алам, интиком учкунлари ўчмаганди.

(Давоми 7-бетда)



ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда кейинги йилларда барча соҳалар қатори иқтисодий жабҳада ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида иқтисодиёт эркинлашиб, хусусий мулк эгалари кўпайиб бормоқда.


Хусусан, валютанинг эркин айланмаси жорий қилингани, банк тизими ва пул муомаласининг эркинлаштирилгани, солиқ юки кескин камайтирилиб, хусусий бизнеснинг қонун ҳимоясида бўлишидек ишончли тизим яратилгани бозор иқтисодиётининг ривожига кенг йўл очиб берди.

Ўзбекистон ҳудудида иқтисодий макон бирлиги ҳамда бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларидан бири бўлган эркин рақобат асосида товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳаракатланиши янгиланаётган Конституцияда кафолатлаб қўйилаётгани шубҳасиз, мамлакат иқтисодий салоҳияти ва сармоявий жозибдорлигини янада оширади.

Зеро, эркин бозор иқтисодиётида давлатнинг иқтисодиётдаги ишти-

роки, конституциявий вазифа ва функциялари аниқ белгилаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга. Мазкур кафолат турли даражадаги мансабдорлар томонидан товарлар, меҳнат ресурслари, капиталнинг эркин ҳаракатланишини чекловчи, иқтисодиётни тартибга солувчи таркибий қисмлар — нарх, талаб, таклиф ва рақобатга таъсир қиладиган қарорлар қабул қилинишининг олдини олади.

Мамлакатда иқтисодий макон бирлиги ҳудудларaro ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ўзаро интеграцияни фаоллаштириб, барча иқтисодий ресурслардан иқтисодий қонунларга мувофиқ оптимал фойдаланилишини таъминлайди. Энг муҳими, тадбиркор олган фойдасини эркин тасарруф этиш, сармоясини истаган ҳудудда янги бозорларни ўзлаштириш, истикбол-



ли лойиҳаларга йўналтириш имкониятига эга бўлади.

Умуман олганда, янгиланаётган Конституцияда ўз аксини топаётган нормалар шу вақтгача тадбиркорларни қийнаб келаётган талай муаммолар ҳал қилинишига, яратилаётган янги имкониятлар орқали мамлакатимизда тадбиркорликни янги босқичга олиб

чиқилишига хизмат қилади. Аҳоли кенг қатламларининг тадбиркорликка бўлган интилишларини рағбатлантиради, ишбилармонликка оид ғоя ва ташаббусларнинг мамлакат бўйлаб кенг ёйилишига тurtки бўлади.

Ботир МАРДАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
REFERENDUMI
2023

ФУҚАРОЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда 30 апрель куни бўлиб ўтадиган умумхалқ Референдумида соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари ҳам фаол иштирок этишига аҳд қилинган. Буни соҳа ходимларининг кайфияти кўтаринки руҳда эканлигидан яққол ҳис этиши мумкин.

Ўзим халқ вакили сифатида шунини мамнуният билан айтишим мумкинки, халқ конституциясини тасдиқлаш учун умумхалқ Референдумининг ўтказилаётган айна муддао бўлди. Зотан, бугунги одамлар зукко ва билимдон. Қолаверса, ҳозирда ҳар бир фуқаро ўзининг ҳақ-ҳуқуқини, конституцион бурчини тўлақонли англаб етган, деб ўйлайман. Шунга яраша Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституцияси янада такомиллаштирилиб маромига етказилаётганлиги диққатга сазовор.

Президентимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш соҳасига жудда катта эътибор қаратиляпти. Имкон қадар фуқароларга сифатли ва ма-лакали тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилляпти. Ҳозирда беморларга кафолатланган пакет доирасида сифатли тиббий хизмат кўрсатиш билан биргаликда уларнинг соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний фаолликка қатъий риоя қилишларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айнан ушбу талаблар конституциямизнинг 48-моддасида белгилаб қўйилган. 30 йиллик меҳнат фаолиятим давомида шу нарсага амин



Ҳатто мустақил ҳамширалик фаолияти ҳам йўлга қўйилляпти. Давлат тиббий сугуртаси тажриба тариқасида Боёвут туманида жорий этилди. Энди-

бўлдимки, мамлакатимизда ҳеч қачон бугунгидек тиббиётга эътибор қаратилмаган эди. Айниқса тиббиёт ҳамшираларининг иш фаолияти тубдан яхшиланди. Патронаж ҳамширалар, амалиётчи ҳамшираларнинг иши жонлантирилди.

ликда скрининг хизматлари, юқори технологик операциялар чет элларда эмас, ўзимизда амалга ошириляпти. Давлат ҳисобидан яратиб берил-ётган бундай шарт-шароитлар одамларни рози қилиш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Шундай экан, азизлар, 30 апрель куни бўлиб ўтадиган умумхалқ Референдумида барчамиз фаол иштирок этайлик ва юртимиз, Ватанимиз тараққиёти, келажаги учун овоз берайлик.

Каромат КАРИМОВА
Боёвут тумани Тиббиёт бирлашмаси
Бош ҳамшираси.



ҚОНУНАН ҚАДРЛАНАЁТГАН КАСБ

(Боши 1-саҳифада)

Айниқса, 52-моддада биз ўқитувчиларнинг фаолиятимиз қонунан қафолатланаётгани жуда қувонтирди. Бу модда куйидагича: «Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.»

Қаранг, нақадар аниқ қилиб белгилаб қўйилганини. Бундан кўриниб турибдики, барча соҳалар қатори миллат эртасининг тарбиячиси бўлиш ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари янада қафолатланаётгани – бу соҳанинг янада ривожига ҳисса қўшиб, мавқеини оширади деган умиддамиз.

Янгиланаётган Конституциямизда ёшлар масалаларига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Уларнинг билими олиши, истеъдодларини ровожлантириш, ўз интеллектуал салоҳиятларини янада мустаҳкамлаш каби кўплаб

масалалар Конституциянинг моддаларида белгилаб қўйилиши – ёшларимизнинг эртанги кунга бўлган умид ва ишончларини янада оширади. Бу имкониятлардан фойдаланаётган ёшлар – ўз салоҳиятларини юзага чиқариб, юртимиз тараққиёти йўлида ҳисса қўшиб, мамлакатимиз довуғини дунёга танитишади, дея улардан умидимиз катта. Бунинг учун биз педагогларнинг ҳам олдимизда жуда катта масъулият бор. Бу йўлда ўз билим ва тажрибаларимизни аямаймиз...

Давлатимиз раҳбари – таълим ва ўқитувчилар нуфузи ҳақида бот-бот такрорлапти. Бу бизга янада ишонч бериб, ғайратимизни ошироқда. Дарҳақиқат, юртимизда таълим соҳасига бўлган эътибор кундан-кунга яхшиланмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси – юртнинг эртанги кунини тақдири ҳисобланади. Яққол мисол билан айтишим мумкинки, яқинда мактабимизга пул ажратилиб, қайта таъмирланыпти. Келгуси йилда ўқувчиларга янада қулайлик яратиш учун – янги бино қурилишига тамал тоши қўйишни ниёт қилиб турибмиз. Бу каби эътибор – биз ўқитувчилар жамоасини янада сермахсул меҳнат қилишимизга ва ўқувчиларнинг ҳам чуқурроқ билим олишларига ҳисса қўшади.

Қайсики давлат таълимга эътибор бериб, ўқитувчини кадрлар экан – шу миллатнинг мислсиз тараққиётга эришганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Буни бугунги шиддатли замонимизда барчамиз ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Қайсики миллат, болалари таълимига, тарбиясига жиддий эътибор бериб, уларнинг истеъдодларини юзага чиқаришига таянч бўлар экан, эртанги куннинг асосий кучи бўлган ёшлар албатта ўз сўзларини айтиб, билдирилган ишонччи оқлашларига ишонманан. Демак, айтишимиз мумкинки, жонажон ватанимизда ўқитувчи кадрланиб, ўқувчилар таълим-тарбиясига давлат миқёсида эътибор бериляпти экан – ишоманки, муштарак орзуларимиз амалга ошажак.

Ҳозирги ўзгаришларга барчамиз бир ёқадан бош чиқариб жиддий ёндошмоғимиз керак. Нега деганда, ҳар бир йўналишда жуда катта ўзгаришлар нафаси уфуриб турибди. Бу сиёсий жараён, нафақат бугунимизнинг, балки, келажак авлодларимиз, фарзандларимизнинг ҳам бахтли ҳаёти учун пойдевордир. Буни барпо этиш, барчамизга боғлиқ. Менга, Сизга ва Барчамизга.

Абдуҳамид ТУЛЯГАНОВ
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани
314-мактаб директори в.в.б



БАЧКАНАЛАШАЁТГАН “МИЛЛАТ”

Журналист деганда кўз олдимизда кенг фикрлайдиган, муаммони халққа тушунарли ва ўзининг жиддий қараши орқали етказиб берадиган инсон гавадланади.

Бироқ бугун ҳар ким омма эътиборини тортиш учун ҳар қандай воситадан ҳар қандай усулдан фойдаланиб, ўз аудиториясини шакллантириб оляпти. Балки бу давр талабидир, лекин бу дегани ҳамма кўнглига сиққан ишни қилиши керак дегани эмас.

“Milliy” каналидаги “Millar” кўрсатувини ҳамма билса керак. Муаммони ўзининг ғалати талқинда (бачкана) қилиқлари билан омма эътиборига олиб чиқаяётгани билан одамларнинг оғзига тушиб улгурди. Гоҳ қарасангиз касал бўлиб, реанимацияда ётган одам ролига кириб воқеани олиб чиқади, бир қарасангиз кутининг ичидан чиқиб келиб, одамларни кўрқитади. Тўғри, бу одамларнинг эътиборини тортиш учун янги йўналиш, янги усул дерсиз. Аммо журналистнинг бу қилгани қанчалик тўғри? Журна-

лист этикетига қанчалик тўғри келадими?

Яқинда биттаси реп айтиб тадбиркорнинг муаммосини ёритган бўлди. Ўта бачкана ва кулгили. Реп айтишнинг ҳам ўз қонун-қоидаси бор. Унинг қилган «қилиғи»ни на Реп деб бўлади на бир журналистнинг муаммони оммага олиб чиқиши. Ушбу журналистнинг янги «усули» эса бутун жамоатчиликни эътирозларига сабаб бўлди. Тўғрида, унинг қилган бу иши муаммони оммага тақдим этишдан кўра кўпроқ ёши катта, кўпни кўрган улуг журналист устозларнинг устидан кулишга ўхшади. Кўрган одам борки ҳайратдан ёқа тутиб, «бу соғлом одамнинг иши эмас» дейишига сабаб бўлди.

– ОАВ фаолиятини эркинлаштириш мақсадида бошланган саъй-ҳаракатлар ахборот тарқатувчи янги-

дан-янги ресурсларнинг очилишига туртки берди, – дейди журналист Хайридинмурод Абулфайзов. – Табиийки, танлов кўпайган жойда рақобат ҳам кучаяди. Яқиндаги ҳолат: тележурналистнинг Реп услугида кўриниш бергани кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди. Профессонал мутахассис нуқтаи назари билан қаралса, бу касб этикаси ва меъёрларига мутлақо тўғри келмайди. Телемухбирнинг бир қарашда ноодатий туюлган хатти-ҳаракати аҳолининг зиёли бўлмаган қатламида ҳам истеҳзо уйғотди. Шусиз ҳам обрўси баланд бўлмаган журналистларнинг халқ шуурида яна бир образи — масхарабоз киёфаси шаклланди. Бу жуда хунук ҳолат. Бу эса тажрибали ва мактаб кўрган кадрларга кучли эҳтиёж мавжудлигини кўрсатди. Янги ташкил этилган айрим телеканалларда шундай кўрсатув ва чиқишларнинг пайдо бўлаётгани ҳам маҳоратсизлик, аудиторияни енгил-елпи усулда жалб қилишга бир

уриниш. Шунинг учун мухбирнинг ўзинигина айблаш нотўғри. У олдида кўйилган талабга кўра ҳаракатланди ва... кулгига қолди. Бунинг учун шундай позицияни танлашга мажбур қилган вазият, телеканал маъмурияти бунга жавобгар деб ўйлайман.

Ҳа, чиндан ҳам тележурналистнинг аудитория йиғиш учун қилган бу иши журналистик касб этикасига, журналист одоб-ахлоқига мутлақо тўғри келмайди. Аудитория йиғиш учун қилинаётган шу каби ишлар одамларда журналистларнинг билим даражаси паст деган тушунчага бориб қолишига сабаб бўляпти. Шу ўринда канал ва кўрсатув мутасаддиларига ўзлари олиб чиқаяётган муаммоларига озгина эътибор беришса, аудитория йиғиш учун ўзларини ҳар куйга солишмаса яхши бўларди, назаримизда.

Мансурбек ЖАББОРОВ,
ЎзЖОКУ талабаси



“ҲАМИША СЕН ХИЗМАТ ЭТГИЛ ХАЛҚ УЧУН”

Ўз ҳаётини, истиқболни мамлакат тақдири билан боғлаган ҳар бир инсон иқбол ва юксак толе эгаси бўлиши аниқ. Бу эса юрт қисматига дахлдорлик туйғуси ҳамда фуқаролик бурчини ҳис этиши билан чамбарчас боғлиқдир. Табиийки, ватан туйғуси, оила қайғуси билан яшамаган инсонда ватанпарварлик, миллатпарварлик ҳам бўлмайди. Демак, кундалик турмушимизда давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан боғлиқ жараёнларга бефарқ бўлмалик, аксинча фаол бўлиши давр талаби, бу қолаверса, халқ онгу тафаккуридаги кескин бурилиши ва юксалиши ифодасидир. Буни халқимизнинг Референдумга бўлган юксак эътибори ва муносабати мисолида ҳам кўриши мумкин.

Биз Қорақалпоғистон диёрига йўл олган профессор Абдухалил Маврулов бошчилигидаги 33 та зиёлилардан таркиб топган тарғиботчилар гуруҳи ҳам худди шу руҳ ва мазмунни ҳис этдик.

Самолёт тун ярмида Нукус халқаро аэропортига қўнғач, биз қорақалпоғистонлик элдошларимиз билан учрашишга ошиқдик. Қорақалпоғистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази бўлимнинг раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Татлимурод оға Атамуратов бошлик бир гуруҳ кадрдонларимиз бизни очик чехра билан қаршилашди. Эртасига туманларга бириктирилган махсус жадвал асосида ўз ишимизни бошладик. Психология фанлари

Ходимлар бўлими бошлиғи Саида Таджибаева жорий йилнинг 30 март куни Президентимизнинг қорхонага қайта ташриф буюргани, ишлаб чиқариш жараёни ва кўрсаткичлар билан танишгани ҳозирда 300 та хотин-қиз иш билан таъминланганини, яқинда қўшимча янги ишлаб чиқариш қувватлари, техник дастгоҳлар ишга туширилса, 1000 та ходим иш билан банд бўлиши ҳақида тўлқинланиб сўзлади. "Биз учун яратилган шароитлар, бежирим иш либослари, текин тушлик тарқатилишидан мамнунмиз"- дейди Гулнора исмли тикувчилардан бири. Мухими, бу ерда ўқув машғулотлари ҳам мунтазам равишда тизимли йўлга қўйилгани эътиборга молик. Андижондан келган иш усталари

етақчисининг мамлакатнинг яша-риши, яшнаш стартини Мўйноқдан бошлаб берганини, буюк қомусий аллома Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050, келгуси йили атоқли маърифатпарвар шоир Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини кенг нишонланишини эътироф этишди.

Халқпарвар адиб Бердақ бир пайтлари "Менинг мусофир халқимга, Яйраб-яшнаш замон керак", — деб ёзганди. Бугунги кунда унинг орзулари ушалганини қорақалпоқ қардошларимиз теран ҳис этаётганларидан мамнунмиз. Зероки, Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақнинг ўзи бунга жавобан инсон шижоати, ҳаёт ва таракқиёт моҳиятини ўтли сатрларда ёзиб кетганди.

*Йигит бўлсанг арслон каби
туғилган,
Ҳамиша сен хизмат этгил
халқ учун,
Йигит бўлсанг арслон каби
туғилган,
Ўзим демай, гамхўрлик қил
халқ учун.*

Дўстлик, қардошлик риштасини бузиб, фиску фасод билан иш кўрувчилардан огоҳ қилиш даъвати бор унда. Иттифоқликка нифоқ солувчилар ризқ-рўз, баракани учириб, эзгулик илдизига болта урувчилар эканини уқтирмоқчи бўлади адиб, гўё.

*Йигит кирмас фосиқларнинг
сўзига,
Асло тушмас манманликнинг
изига,
Ғайрат бериб ўлганича ўзига,
Хизмат этар мудом қондош
халқ учун...*

Халқчил адиб умумбашарий ғоялардан сўз очади, тинчлик, дўстлик туйғуларини кадрлайди. Буни эса кўнгил эҳтиёжи, жону тан ва қалб озиғи деб билади.

*Дўстлик билан ҳар бир ишда
шай турсанг,
Жон аямай эл-юрт учун
иш қилсанг,
Қайгуланмай, улуг ишга
қўлурсанг,
Шунда менинг кўнглим ўсар
халқ учун.*

Ўзи орзу қилган замонни кўришни тақдир унга насиб этмаган бўлсада, унинг авлодларига, издошларига кўриш ва ҳузурланиш бахти насиб этишига ишонч бўлганини сезиш қийин эмас. Унинг қўлидаги қалами дилидаги аламига элчи бўлгани ҳақ.

*Шоир эдим, кўзим кўрганин
ёздим,
Кўнглимнинг билганин,
сезганин ёздим,
Замон жафосидан саргайдим,
оздим,
Келурму деб яхши кунлар
халқ учун.*

Халқпарвар адибнинг шеърляти, дунёқараши билан танишган инсон халқчиллик тушунчасининг моҳиятини ҳис этиш асносида "Халқ конституцияси халқчил давлат сари" шиорининг мазмун-моҳиятини ҳам теран идрок этади.

Адиб номидаги Қорақалпоқ давлат университетида таҳсил олаётган талабалардан тортиб Ибройим Юсупов номидаги Ижод мактабининг ижодкор ўқувчиларигача барчаси адиб ижодиётининг давомчилари эканига шубҳа йўқ.

Иқтидорли ижодкорлар — Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон, профессор, шоира Сайёра Тўйчиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Бобур Бобомуродлар билан Руслан Ташимов директорлик қилаётган ижод мактабида бўлганимизда худди шу фикрга амин бўлдик. Назму насрда ижод қилаётган ижодкор ўқувчиларнинг шеърлятга, адабёт ва санъатга бўлган меҳрини уларнинг ижод намуналари билан танишиш асносида яна бир қарра ҳис этдик. Ижод мактаби директори Руслан Ташимов ижодкор ўқувчиларнинг шеърляридан тузилган "Аёзий боғидан гулдаста" деб номланган китобни тақдим этаркан бошимиз кўкка етди, умидли ёшларимизнинг истиқболига ишонч ҳосил қилдик.

Беруний, Элликкальба ва Хўжайли туманларида бўлганимизда ҳам ана шундай кўтаринки руҳ ва янгиланишларни, юрт истиқболи учун фидойи ва яқдилликни ҳис этдик. Таниқли санъаткорлар Алишер Рўзметов ва Рустам Мирминовларнинг дилгир тароналари қорақалпоқ қардошларимизнинг кайфиятларини кўтаринки, руҳиятини тетик қилгани ҳақ.

Биз республикамиз пойтахтига сафарларимиз зафарларимизга айланганига ишонч ҳосил қилган ҳолда қайтиб келдик.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси ва "Маърифат"
тарғиботчилар жамияти аъзоси,
профессор, "ТИҚХММИ"
Миллий тадқиқот университети
Матбуот хизмати раҳбари

Халқпарвар адиб Бердақ бир пайтлари "Менинг мусофир халқимга, Яйраб-яшнаш замон керак, — деб ёзганди. Бугунги кунда унинг орзулари ушалганини қорақалпоқ қардошларимиз теран ҳис этаётганларидан мамнунмиз.

номзоди, доцент Феруза Акромова, фалсафа фанлари доктори Мунира Қаҳҳорова, Республика Маънавият ва маърифат маркази "Маърифат" тарғиботчилар жамияти бўлим бошлиғи Наимжон Ниёзов, таниқли санъаткорлардан Алишер Рўзметов, Рустамжон Мирминов ва камина Кегейли туманига бириктирилдик. Биргина Кегейли мисолида ҳам Қорақалпоғистондаги ўзгариш ва янгиланганларни англаш мумкин.

Даставвал, Кегейлидаги "АК-ТУБА" тўқимачилик қорхонасига бордик. Ўтган йили 5 декабрда Президентимизнинг ташрифи куни уларнинг ташаббуси билан ташкил этилган ушбу текстил қорхонаси бугунги кунда илғор кўрсаткичларга эга бўлаётганининг шоҳиди бўлдик. Андижон текстил билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётган ушбу комбинатда ишлаётганларнинг кўнгли тўқ ва руҳияти баланд.

бичув-тикув техникасини уларга ўргатгани ҳамда ўзларидан ҳам шу йўналиш бўйича мутахассислар етишиб чиқаётганини эътироф этишди. Ҳозирда кунга 5000 та трикотаж маҳсулотлари тайёрланишини, хатто экспортга чиқазишни ҳам бошлашаётганини эшитиб мамнун бўлдик.

Биз қайси маҳалла, таълим муассасаси ёки маданият марказларида бўлмайлик, аҳолининг Президент ташрифидаги эътиборга молик мулоҳазалари ҳақида сўз очилади. Ҳозирги кунда "Ғарезсизлик" МФЙда жойлашган Ёшлар технопаркида 1200 нафардан ортик ёшлар 9 турдаги ўқув курсларида таҳсил олаётгани, давлатимиз раҳбарининг "Олтин соҳил" маҳалласида юзу кўзларидан нур ёғилиб турган отахонлар ва онахонлар билан қурган дилкаш суҳбатлари борасида айрича завқ билан сўзлашади. Янги Ўзбекистон

АВЛОДНИНГ ТАҚДИРИ КЕЛИНЛАРНИНГ ҚЎЛИДА

Жамиятда ҳар қандай маҳсулот талаб ва эҳтиёжга кўра яратилади, шакллантирилади. Ота-оналар ўғилларини ҳаётга тайёрлашга кўп ҳам эътибор қилишмайди. Ўғил болани кўча тарбия қилади, деб қўйишади. Аслида, бу масалага эътибор қаратиш керак.

Мен қизлар, бўлажак келинлар ҳақида ёзмоқчиман. Жамиятимизнинг уларга муносабати, талаби қандай?

Аксарият ҳолларда уларга уй юмушларини маҳорат билан бажара оладиган, хожасига содиқ хизмат қиладиган, итоаткор бўлажак хизматкор сифатида қараймиз. Шунда совчиликка, "қуллик"га сўраб борилганда ҳам кўп ҳолларда унинг хизматкорлик кўникмаларига қанчалик эғалиги ҳақида сўралади.

Овқат пиширишни биладими, пазандалик курсига боргани, укол қила олиши, супур-сидирни, пишир-куйдурни билиши ва ташки кўриниши каби масалалар кизиқтиради "харидор"ларни. Энди ҳижоб ўраш масаласи ҳам кўшилган.

Мен шу жамият аъзоси сифатида қиз бола юқоридаги сифатида ва малакаларга эга бўлиши, улардан хабардор бўлиши керак деб, биламан, аммо бу борадаги қарашлар замонавийлашиши зарур.

Бўлажак келинларнинг руйиҳати, интеллектуал салоҳияти, мақсадлари, илмга муносабати, дунёқараши, ўзини-ўзи бойитиб бориш кўникмаси, китобларга муносабати, мусиқа ва бошқа санъат турларига, соғлом турмуш тарзи ҳақидаги билим ва кўникмаларига эътибор қилиш лозим.

Зеро, бўлажак келинлар оддий хизматкорлар эмас, авлодларни давом эттирувчидир. Шу маънода уларга итоатли хизматкор сифатида муносабатда бўлсангиз, улар ҳам кул, хизматкор авлодни тарбиялаб беради.

Агар авлодингизни интеллектуал, маънавий ва иқтисодий жиҳат-

дан яна бир неча поғона юқори даражага кўтарилишини истаётган бўлсангиз, оладиган келинларингизнинг одоб-ахлоқи билан биргаликда интеллектуал қобиляти, маълумоти, дунёқараши билан ҳам қизиқиш кўриш керак бўлади.

Таълим олиш иштиёқи бўлма-са, қизиқтириш, агар таълим олаётган бўлса, қўллаб-қувватлаб туриш, таълим олиш истаги бўлса, шароит яратиш бериш зарур. Зеро, унинг олган таълими оилангиз, авлодларингизнинг интеллектуал, ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, юксалишига, фаровон яшашига пойдевор бўлади.

"ИЛМДАН ЎЗГА НАЖОТ ЙЎҚ"

Қадриятларимиз ҳам кийинишимиз каби замонавийлашиб бормоқда. Нариги дунёга олиб кетиши учун бойлик тўплаш билан овворамиз. Ким кўп йиғиш бўйича мусобақа. Ҳашаматли уйларимиз аросат кўпригидан ҳам кўриниб туриши керак. Оналаримиз ҳам жуда ажойиб. Ўғли саводсиз бўлса ҳам, мардикор бўлса ҳам пул топса бўлди.

Ким оч қоляпти ҳозир?! Бир бурда нонга қорин тўяди-ку. Пул қанча кўп бўлса шунча ҳаловатдан айриласиз. Фарзандингиз тарбиясига салбий таъсири бор. Хорижда кўп пул топади, деб ўйлайсиз. 10 соат ўтирмай станок билан барабар ишласа, шу ерда ҳам бойиб кетиши мумкин. Бу ҳам майли, қишлоқда янги урф пайдо бўлибди. Бирор қизга Греноккардда ютуқ чикса, ошкора ҳамма йигит шунга уйланишга тайёр, ҳатто хотини борлар ҳам. Америкага кетиб олса бўлди.

Кейин у ёғини ўзи билади. Пул деса ордан кечадиганлар кўпайиб бормоқда. Қизик, инсоннинг

мартабасини мол-давлат белгиламай кўйганига анча бўлди. Келинг, ўша молпараст 4 та уй, 4 та машина ортгирди дейлик. Кейин нима бўлади?! Бу мол дунёни йиғиш машаққатини ўзингиз биласиз, фарзандингиз эмас. Отаники болага буюрмайди, дейишади. Тўғри, четда ишлаб, фарзандларини яхши ўқитишга ҳаракат қиладиганлар ҳам йўқ эмас.

Бизда боласига тўй, уй, машинасигача қилиб бераётган оилапарварлар жуда кўпчиликни ташкил қилади. Фарзандларингизга ҳамма шароитни қилиб беринг. Қийналиб қолмасин яна. Лекин

қачонгача. Умрининг охиригача ҳаёт синовларидан ўзингиз олиб ўтасизми?! Тўғри, моддий жиҳатдан бойиб боряпсиз. Лекин бу етарли эмас. Маънавий қашшоқлик нималарга олиб келишини тасаввур қила оласизми?! Тўплаган бор мол дунёнгиз ўзингизга душман, фарзандингизга сизни ҳалок қилувчи қуролга айланса-чи?! Маърифатли, маданиятли бўлишга ҳаракат қилинг. Фарзандларга илм ёки хунар ўрганишга кўмаклашинг. Оғир меҳнатдан ҳеч кимнинг касаси оқармайди. Дунёнинг биз бориб энг оғир ишларини қиладиган илғор давлатлари илм орқали, ақлий меҳнат орқали шу даражаларга эришган. Имом ал Бухорий айтади: "Дунёда илмдан ўзга нажот йўқ ва бўлмағай".

Ғофир ҲАМРОЕВ

ЭРКИНЛИК — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Сўнги йилларда мамлакатимизда иқтисодий, инсон ҳуқуқлари, адолат, сўз ва эътиқод эркинлиги, ижтимоий ҳимоя, чет давлатлар билан фаол ташқи сиёсат ва бошқа соҳаларда қатор изчил ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бу жараёнларнинг тизимли ва ортага қайтмаслиги, жамиятдаги бугунги реал воқеликка ва шиддатли тус олаётган ислоҳотлар мантиғига мослаштириш учун ҳам уларни бош Қомусимизда мустаҳкамлаб қўйиш ҳаётий заруратга айланиб бормоқда.

Янгиланаётган Конституциямизнинг муаллифи ва манбаи бевосита халқимиз десак ҳеч қандай муболага бўлмайди. Боиси, Конституциявий қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтказилганлиги, уни такомиллаштириш учун аҳолидан

220 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушганлиги ва уларнинг ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олганлиги билан аҳамиятлидир.

Муҳокамалар жараёнида турли соҳа мутахассислари, жумладан, олимлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунослар, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институти вакиллари, чет элдаги юртдошларимиз фаол иштирок этишиб, ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдиришганлиги уларнинг юртимиз тақдирига, эр-

танги келажакка бефарқ эмасликларини англатади.

Бугунги кунда тайёрланган Конституциявий қонун лойиҳаси билан Асосий Қомусимизнинг моддалари 128 тадан 155 та моддага, унинг нормалари эса 275 тадан 434 тага кўпайиб, 65 фоизга янгиланаётганлиги, илгариги "давлат-жамият-инсон" тамойилининг "инсон-жамият-давлат" деб ўзгартирилаётганлиги бежиз эмас. Яъни ислоҳотлар марказида инсон турганлиги, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, кадр-қимматига эса олий қадрият сифатида қаралаётганлигидан далолат.

Янги лойиҳада "Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат" деган норманинг киритилаётганлиги замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг мазмуни ва моҳияти этиб белгилан-

ганлиги, уларни ҳимоя қилиш давлатнинг олий мажбурияти эканлиги, жамиятдаги барча қатлам вакилларининг тенг ҳуқуқлилиги, қонун устуворлиги, диний эътиқод ва сўз эркинлиги, таълим олиш ва эркин касб танлаш каби соҳаларда кўриш мумкин.

Бундан ташқари, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги, инсон билан давлат органларининг ўзаро муосабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талкин этилиши, мамлакатимизда ўлим жазосини тақиқланиши, шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши

мумкин эмаслиги, шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмаслиги каби янги нормаларнинг киритилаётганлигининг ўзи юртимизда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, шаъни ва кадр-қиммати олий қадрият сифатида эътироф этилаётганлигининг яққол далилидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, янгиланаётган Конституциямиз мамлакатимизнинг узоқ муддатли таракқиёти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат бўлиб хизмат қилади.

Умидбек УМУРЗАҚОВ
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди катта консультанти



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташиқлотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг "Ёшларнинг маънавий-руҳий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш" мавзусидаги давлат гранти асосида тайёрланди.

КЕЛАЖАКНИ БЕГОНАЛАР ЭМАС, ЎЗИМИЗ ЯРАТАМИЗ

Мактабда адабиёт, тарих, географияни яхши ўқирдим. Чунки ўқитувчиларимиз мавзунини тушунтириши учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилишар, қизиқарли ўтишарди дарсларни. Ўшанда “Устоз бўлсаммикин, кўп нарсани билишади, ҳамма ҳавас қилади уларга”, деб ўйлардим.

Лекин юкори синфга ўтгач, муаллимларимиздан бирини ўғил бола синфдошларимиз бирлашиб дўппослашганини эшитиб қалқиб кетгандим. Кейин билсам бу одатий ҳол, катта синф ўқувчилари ўқитувчиларни у қадар ҳурмат қилишмас, аксар ота-оналар эса уларни меншишмас ҳам экан. Буни эшитиб ўшанда менда ғалати кайфият пайдо бўлгани, “Ҳеч қачон ўқитувчи бўлмайман” деганим эсимда. Бироз вақт ўтиб, муаллимларимиздан бири тирикчилик сабаб мактабдан кетди. Кейин бошқаси, сўнг яна бошқа бири. Улар олий маълумотли бўлсада, тайинли маош олмгани сабаб яхшироқ пул топиш учун мардикорлик ёки туманлараро таксичилик қилишарди. Гоҳо уларни эски, тўзгин кийимда қайгадир кетаётган ё йўловчи чақираётган ҳолда кўрардим. Салом бермоқчи бўлиб яқинлашсам, мендан кўзларини олиб қочаётганларини сезиб, тўхтаб қолардим. Назаримда, ўша вақтдаги аҳволлари учун собиқ ўқувчисидан уялишарди. Мен ҳам уларни шу кўйга солган жамиятимиздан, тузумимиздан, одамларимиздан, ўзимдан уялардим. Қани кўлимдан келсаю, уларни яна мактабга қайтарсам, яна кизик-кизик дарсларини эшитсам, дердим. Лекин кўлимдан ҳеч нарса келмасди. Конституцияга киритилиши кутилаётган ўзгаришларни ўқирканман, ўқитувчилар билан боғлиқ модда (52-модда – Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни риво-

жлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади. Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади)ни кўриб, бирдангина шу ҳолатлар эсимга келди.

Ўшандаги имконсизлигимга илож топилаётганига қувондим. Шу сабаб Бош Қомусимизга киритилаётган барча моддаларни яхшироқ ўргана бошладим. Шунинг баробарида хотираларим ҳам қатма-қат кўтарилиб келаверди. Мисол учун, аёлларга қилинадиган зўравонликларга кўриладиган жазолар ҳақидаги моддаларни ўқиб ичим ёришди. Болалигимда қишлоғимиздаги, кўшни маҳаллалардаги аёллар ўзига ўт кўйиб юборгани ёки ўзини осиб ўлдиргани ҳақида кўп эшитардим. Нега ундай қилишган деган саволимга, “Чидолмаганда” дерди онам ва ғамгин бўлиб қоларди. Балки уларга ёрдам беролмаганидан, балки аёлини қайта-қайта ураверган зўравон эрни ҳеч ким тўхтаб қолмаганидан аччиқланар, афсусланарди. Конституцияга киритилаётган янги модда аёлларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан бирга, уларни ҳаётга бошқача нигоҳ билан қарашга кўмак беришига умид уйғонди негадир кўнглимда...

Ўсмирлик вақтидаги энг катта

ярам дадамга тухмат қилишган вақтлар пайдо бўлган. Янги ишга ўтганларида нимадир бўлдию, дадамни терговга чақира бошлашди. Гарчи айбсиз бўлсаларда, одамлар бир зумда уларни жиноятчиға чиқаришганди. Чунки “орган” ходимлари дадамга худди айбдорлардек муомала қилишарди. Ўшанда дадам, бобом, умуман оиламиздаги ҳамма жуда тушкун, жуда синик бўлиб қолгандик. Ҳозир ҳам эсласам, кўз олдимга дадам бобомнинг кўлини маҳкам қисиб ўтириб, “Хавотир бўлманг, ҳаммаси яхши бўлади, айбсизман” дейишлари келаверади. Шукрки, ростдан ҳам дадамнинг айбсизлиги исботланди, лекин ўша вақтда қилинган муомала сабаб, уларда қолиб кетган жароҳатни, одамларга бўлган ишончсизликни бугун ҳам ҳис қилиб тураман, жоним оғрийди. Билсам, бунақа жароҳатлар жуда кўп танишларимда бор экан. Ҳимояланмаган ҳуқуқлар, бажарилмаган мажбуриятлар, талаб қилинмаган ҳақлар сабаб эди буларнинг барига...

Янги таҳрирдаги конституцияни ўқиб, шу ўйлар кечди хаёлимдан. Буларни ёзарканман, “Аввалшунақа кийин эди, аммо бугун бошқача, ҳозир биз бошқача яшайпмиз”, дейиш эмас муродим. Аслида ҳозир ҳам ана шу иллатлар жамиятимизда, ҳаётимизда бор. Ҳозир ҳам ўқитувчини индамасангиз, одам ўрнида кўрмайдиган нодон корчалонлар, зуғумдан тўйиб кетгани учун ўзини ўлдираётган аёллар, айбсиз бўла туриб, исботланмаган гумон сабаб синиб қолаётган тадбиркорлар бор. Нега? Боиси бугунга қадар ҳуқуқларимизга етарлича эътибор бермадик, “Барибир бўлмайди, каттанинг айтгани

айтган, мазлум доим мағлуб” деган ақидани онгимизга сингдириб олдик, балки мажбуран сингдирилди.

Аммо референдум бу – янгиланиш бўлгани каби, бизга ҳам янгиланганлар, ўзгаришлар зарур эди. Нафакат конституциямизда, балки онгимизда, фикрлашимизда, яшашимизда. Нега бу қадар тарғиб қилинган коммунистнинг янги таҳрири? Нега керак бўляпти бизга бу янги таҳрир, янги моддалар? Бир қарашда унчалик зарурати йўқдек туйилади бунинг, замон ўз зайлида давом этяпти, ҳаммаси яхшидек. Аммо, чуқурроқ ўйлаб қаралса-чи? Аслида ҳам шундайми? Аслида ҳам юртимизда ҳамма ўз ҳуқуқини, мажбуриятини биладими? Афсуски, бунга ижобий жавоб бериш бироз мушкул. Демак ҳар юртдошимиз билиши керак ўз ҳуқуқи, нималарга мажбурмаслиги, бу заминда ҳар бир одам тенглиги, бошқа биров унинг конституцион ҳуқуқларига дахл қила олмаслигини. Мана шундагина жамиятда ривожланиш бўлади. Ўқитувчи мардикор бўлмайди, аёл шунчаки буюмга айланмайди, инсонлар эрки энг олий кадрят эканини тушуниб етишади. Бу халқ азал-азалдан жасоратли бўлган, фақат аллақимлар мана шу нарсани унутишимизни исташди. Бугун эса бу туйғуни қайта ҳис қилишимизга имкон бериляпти, назаримда, бундан фойдаланиш керак. Чунки бизга буюк келажакни ҳеч ким қуриб бермайди, унга ўз меҳнатимиз, ақлимиз ва ҳаракатларимиз орқали борамиз. Танлов эса доимгидек ўз кўлимизда. Мен эса ўз ҳақ-ҳуқуқларимга бефарқ эмасман.

Феруза НУРМАТ қизи

СИЗ ЮРАКНИ ДАВОЛАЙСИЗ, КИТОБЛАР ҚАЛБНИ

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар Маматқул Ҳазратқулов, Фармон Тошев ҳамда археолог олим Амриддин Бердимуродов иштирокида ижодий учрашув ўтказилди.

Учрашувда юртимиздаги адабий жараён, адабиёт ва сўз санъати аҳлига бўлган эътибор, аҳолининг китобхонлик маданияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

– Аслида, сиз билан бизнинг

мақсадимиз бир хил, вазифамиз муштарак – деди таниқли адиб М.Ҳазратқулов. – Сиз ўз билим ва тажрибангиз билан инсонлар юрагини даволайсиз, хасталикларга даво топасиз. Биз эса сўзимиз, ёза-



ётган асарларимиз билан инсонлар қалбига эзгулик сингдиришга ҳаракат қиламиз, кўнглига малҳам беришга интиламиз. Юракни асраш учун инсон соғлом турмуш тарзига амал қилиши, тўғри ҳаёт кечириши керак бўлса, унда яхши ниятлар ниш уриши учун адабиётга яқин бўлиши, мутолаа қилиб туриши зарур.

Тадбирда ижодкорлар ўз ҳаёти,

кўрган-кечирганлари мисолида бадиий адабиёт, сўз санъатининг инсон камолотидаги ўрни ҳақида ибратли воқеаларни ҳикоя қилиб берди.

Муассаса кутубхонасига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Олтин мерос” халқаро фонди томонидан ажратилган китоблар совға қилинди.



БЕГОНАЛАР ИЧИДАГИ ЎЗИМИЗНИКИЛАР



(Боши 1-саҳифада)

...1941 йилнинг май ойларида Учинчи Рейхнинг тарғибот идоралари томонидан СССР ишғол этилгач, унинг худудида бир қатор кичик маъмурий бирликлар, хусусан Туркистон Рейх комиссариатини тузиш белгиланган эди. Бу ҳудуд фақатгина Ўрта Осиё ва Қозоғистоннигина эмас, Озарбойжон, Волгабўйи ва Шарқий Туркистонни ҳам қамраб олиши керак эди. Бу режага Германиядан бошпана топган туркистонлик фаоллар ҳам ёрдам беришган, албатта. Хусусан, бир пайтлар Туркистон Мухторияти масъулларидан бўлган Муштафо Чўқай, Вали Қаюмхон сингари зиёлилар ўз мамлакатларидан келган ҳарбий асирларни рўйхатга олиб, улар орасида тарғибот ишларини олиб боришган.

38-йилнинг аёловсиз қатлиомидан кўп ўтмай, Иккинчи жаҳон уруши бошланади. Фашистлар Германияси Сталин ҳукумати билан келишувни бузиб, 1941 йилнинг 22 июнь куни қутилмаганда, Совет Иттифоқи хужум қилди. Иттифокнинг миллионлаб аҳолиси қатори Ўзбекистонликлар ҳам урушга сафарбар қилинди. Сир эмаски, урушнинг дастлабки пайтларида ҳали қўлига қурол ушлаб улгурмаган минглаб ўрта осийлик аскарларни етарлича ҳарбий тайёргарликдан ўтказмай туриб, биринчилар қаторида жанг майдонларига ташлаганлар, улар эса, шунчаки “замбарак учун гўшт” бўлишган холос. Аскарларимизнинг катта қисми немислар томонидан асир олинган ва олдиндан ишлаб чиқилган ҳарбий режага мувофиқ тузилган “Туркистон легиони”-га жалб қилинган.

Урушнинг шафқатсиз қонунлари бор. Асир олинган аскарнинг олдида икки йўл туради. Ё Ватанга садоқат туфайли душман қўлида ўлим топиш, ё душман томондан туриб, Ватанга қарши жанг қилиш. “Биз нега бу ердамиз? Қайси Ватан учун жон беришимиз керак? Асл Ватан бундан 20 йилча аввал забт этилиб, мустабид салтанат тупроғига қўшилмаганмиди?” Бу саволларни ўша дамда уруш ўчоқларига иткитилган минглаб ҳамюртларимиз ўз-ўзига беришгани аниқ.

Асирлар орасида биринчи йўл – Сталинга садоқат йўлини танлаганлар табиийки ўша заҳоти отиб ташланган ёки нацистлар концлагенларида турли қийноқлар ичида нобуд бўлишган. Қолганлар эса, ё жонини қутқазиш ёки совет ҳукуматига нисбатан алам ва нафрат туфайли иккинчи йўлни танлашганди. Шу тариқа 1941 йилнинг октябрида нацистлар армияси майори Андреас Майер бошчилигида илк туркистонликлар батальони шакллантирилади. Бундан ташқари немислар ихтиёрида бўлган Минск худудида антисовет руҳидаги генерал Миршакар яширин ташкилоти туркистонлик жангчиларни немисларга қарши курашмаслик ва улар томонга ўтишга ташвиқ қилиб келган. Ўша йилнинг декабрида Гитлер немис армияси сафида СССРнинг славян бўлмаган собиқ ватандошларидан иборат ҳарбий тузилмаларни ташкил қилиш

ва қўллаб-қувватлаш ҳақидаги фармонга имзо чекади.

“Туркистон легиони” фаолларидан бири бўлган адиб ва шарқшунос Боймирза Ҳайитнинг ёзишича, “1941-1943 йилларда 4 млн 847 мингдан ортиқ туркистонлик фронтга чақирилган. Шулардан 1 млн 700 мингга яқини немислар томонидан асирга олинган. Етарлича қурол-аслаҳа билан таъминланмаган, урушга тайёр бўлмаган аскарларнинг кўпчилиги курашиб ўлиб кетишдан кўра, таслим бўлишни афзал кўришган. Қаршилик кўрсатишга уринганлар немислар томонидан ўша заҳоти ўлдирилган. Рози бўлганлар эса, ҳарбий ва сиёсий тайёргарлик машғулотларига жалб қилинганлар”.

«Туркистон легиони»нинг илк ҳарбий тузилмалари 2 май 1942 йил 2 май куни Брянск ўрмонларида Совет Армиясига қарши жангга юборилган. 1942 йил августда Вали Қаюмхон раислигидаги «Туркистон Миллий Бирлик Қўмитаси» тузилган ва ўзбек тилида «Миллий Туркистон» журнали нашр этила бошлаган. Журналнинг илк сониди кўмитанинг «Бизнинг йўл оталар йўлидир, мустақиллик йўлидир» сарлавҳаси остидаги баёноти чоп этилган эди.

Табиийки, бу ҳаракат Гитлер бошчилигидаги нацистлар ҳукумати манфаатларига тўла мос келар, шу боис, Учинчи Рейх томонидан қўллаб-қувватланган эди. 1944 йилдаги маълумотларга кўра, «Туркистон легиони»даги аскар ва зобитларнинг миқдори 181 минг 402 кишини ташкил этган. Ҳарбий кўмондонлар Рейх раҳбарияти томонидан тайинланган, Легионнинг сиёсий ва маърифий ишлари Туркистон Миллий Бирлик қўмитаси томонидан бошқарилган. Ҳар бир аскар ва зобитнинг чап билагида қўлида «Туркистон, Аллоҳ биз билан» тамғаси бўлган, легионга янги аъзолар Туркистон байроғи остида, Қуръонга қасамд билан қабул қилинган.

Туркистон легиони, Совет қўшинларига қарши шиддатли жанглар олиб борди, уларга жуда кўп жангларда қақшатқич зарбалар берди. Совет қўшинлари “Туркистон легиони” аскарларини асир олишмас, топган жойларида ўлдиришар, ҳатто ярадорлар ҳам отиб ташланарди. “Туркистон легиони” 1944 йилнинг охирига қадар тахминан 65 минг аскардан айрилади.

Фашистлар Германияси мағлубият муқаррар бўлиб турган бир пайтда 1945 йил 24 март куни Туркистон легионини Туркистон Миллий Ҳукумати сифатида расман тан олади ва Легион раҳбариятига ишонч ёрлиғини топширади. Аммо, энди нацистлар ҳукумати сингари бу легионнинг ҳам келажига умид қолмаган эди. 1945 йил 8 май куни Германия батамом таслим бўлди. Шу тариқа “Туркистон мухторияти” тақдири ҳам муаллақ қолди.

АҚШ, Буюк Британия ва Совет Иттифоқи давлат раҳбарларининг 1945 йил февраль ойидаги Ялта учрашуви якунларига кўра, ҳар бир давлат урушдан кейин ўз фуқароларини қайтариб олиши керак

эди. Шу келишув асосида, Америка, Англия ва Франция армияси назоратида бўлган ҳудудларида қўлга олинган “Туркистон легиони” аскарлари мажбуран Совет Иттифоқида жўнатила бошланди. Аммо, уларнинг деярли ҳеч бири “Ватан”-га қайтишни истамасди. Чунки Советлар юртида уларни қандай машғум қисмат, азоб-уқубатлар кутаётгани аён эди.

Маълумки, нацистлар назорати остида арманлар, кавказ мусулмонлари, грузинлардан иборат махсус тузилмалар ҳам бор эди. Уларга бир пайтлар СССРдан чиқиб кетган ватандошлари ёрдам қўлини чўзадилар. Аммо, шўрлик туркистонликлар учун ёрдам берадиган қудратли куч қолмаганди. Шу боис Туркистон Миллий бирлик қўмитаси раҳбарларидан бири бўлган Боймирза Ҳайит Туркия Куролли кучларининг Бавариядаги вакили, полковник Эҳсон Унасанга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Шундан сўнг Анқарада ўз тақдирини кутаётган 100 мингдан ортиқ туркистонликни Туркияга келтириш масаласи муҳокама қилинади. Туркия ҳукумати “улар орасида совет жосуслари кўп бўлиши мумкин” деган хавотир билан легионерларни мамлакатга киритмасликка қарор қилади. Шу боис, уларнинг катта қисми мажбуран сон-саноксиз эшелонларда СССРга олиб кетилади. Легионда юқори вазифада ишлаган ҳарбийлар тез фурсатда отиб ташланади, қолганлар узок муддатга Сибирдаги жазо лагерларига юборилади. Жазо муддатини ўтаб, уйларида қайтганлар ҳам совет йиларида қатъий таъқиб ва тақиқ остида яшашган.

Америка ҳукуматининг кўмагида фақат 6-7 минг нафар легион аъзолари АҚШ ва Европа мамлакатларига юборилади. Уларнинг авлодлари ҳозирга қадар ушбу ўлкаларда яшаб келишмоқда.

Шу ўринда яна юқоридаги саволларга қайтамиз. Хўш, “Туркистон легиони” вакиллари биз учун ким? Борди-ю, уруш немислар фойдасига ҳал бўлганда, уларнинг нияти амалга ошармиди? Ёвуз Гитлер ғолиб чиққанида, туркистонлик ватандошларимизга берган ваъдасида турармиди ёки “яширин режа” сига мувофиқ, “орийлар иркига мансуб бўлмаган” халқимизни ёппасига қириб ташлармиди? Тарих гилдираги қай томонга айланган бўларди – буни ҳеч ким билмайди. Аммо, шуниси аниқки, “Туркистон легиони” биз учун бегона эмас, унинг сафида курашган, қон тўққан, жон олиб, жон берган аскарларга ҳам Ватан, миллат, иймон-этикод туйғуси бегона бўлмаган.

Легион сафида жанг қилган зиёлилардан бири, кейинчалик АҚШ разведкасида хизмат қилган Рўзи Назар бир интервьюсида “ўшанда биз ўз Ватанимизни озод қилиш учун Гитлер тугул, ҳатто шайтоннинг ўзи билан ҳамкорликка қилишга ҳам тайёр эдик” деганди. Нима бўлганда ҳам, “Туркистон легиони” аталмиш ҳаракатга муносиб, ҳаққоний ва холис баҳо берадиган вақт келмадимикин?

Рустам ЖАББОРОВ

ЖАМИЯТ
BONG.UZ

Муассислар:

Табиат ресурслари
вазирлиги.Тадбиркорлар ва
ишбилармонларҳаракати —
ЎзбекистонЛиберал-демократик
партияси.

Ўзбекистон

Нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон

Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир

Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета тахририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-410
Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.


ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
71-233-72-77,
71-233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:
jamiyat@umail.uzГазета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6



“САМДУ ҚОПҚАСИДА БИР ҚИЗНИ КЎРДИМ”



Фафур Гулом шахсининг юксаклиги, хаёл кучининг парвози, ақл уфқининг кенглиги, ижодий ҳозиржавоблиги камёб ҳодиса эди. Шоир қалби ҳамма вақт сув тўла косадек халқимиз ва Ватанимиз меҳрига лиммо-лим эди.

Уни ифодалашга эса доимо руҳан тайёр турарди. Косадаги сувга бирор томчи сув кўшилса ёки туртки бўлса тошганидек, Фафур Гуломнинг бадиҳагўй қалбидан турли сабаблар баҳонасида шеърлар фавворадек отилиб чиқарди.

Саид Аҳмаднинг таъкидлашича, баъзан “Фафур акани ёзув столи ёнига ўтказиб олиш қийин эди, бир ўтириб олгандан кейин турмасди. Айниқса, шеър бўлса битта тўртлик, ҳикоя бўлса биринчи саҳифа тўлгандан кейин ўзи ҳам қизиқиб кетиб, то асар битмагунча ўрнидан турмасди”. Шукрулло: “У қаерга борса, ўша ер унинг учун ижодхона, ҳам дам олув ери ҳисобланарди. Одамлар орасида туғилган фикрларни ўша ерда қоғозга тушириб, уларни ўқиб ҳам берарди. Фафур аканинг иш вақти ҳеч кимникига ўхшамасди. У дам олув орасида ижод қилар, ижод қилаётган пайтида дам олаверарди” – деб эслайди. «Бирорта сўз ёки тарихий воқеалар илдизларини иш баҳонасида сўрасанг, у шу туртки сабаб бир зарб билан шеър тўқирди” – дея хотирлайди устозни Нуриддин Шукуров.

Саид Аҳмад “Назм чоррахасида” китобида ёзганидек, Фафур Гуломнинг кўплаб шеърларининг туғилишига у “доялик” қилган. Жумладан, мазкур китобнинг 19-бетида муаллиф шундай ёзади: “Мен Фафур аканинг... эркаликларини яхши билардим, унинг қайсарлиги-ю, жиндек мактанганнамо гапиришларини, ёзилган ҳар бир тўртлик кетидан мактаб турадиган одам зарурлигини ҳам билардим.

Бошқалардан кўра у кишини мен келиштириб мактардим. Ўзи ҳам бунга тан бериб: “Мақташни сенга-ю ёзишни менга чиқазган” дерди”. Унинг ёзишича, Фафур Гулом расмлар чизар эди. У раке тушганида зўр раққосалар ҳам даврадан чиқиб, томоша қиларди. Кўлига таксимча олиб, халқ термаларини айтганда, ҳамма жимиб қоларди. Дутор чертганда, тингловчилар бош эгиб тебранишарди. Фафур ака Юсуф кизиқлар билан тенг келиб аския айтишарди. Халқ дostonларини бахшидек оҳанги, ифодаси билан бошдан-оёқ айта оларди.

Хуллас, Фафур Гулом ҳақидаги бу хотираларни ўқир экансиз, шоир бўй-басти билан кўз ўнгингизга келди... Ушбу айтилган фикрларни Шукруллонинг “Жавоҳирлар сандиғи” китоби, китобдаги устоз ва

шогирд (Фафур Гулом ва Шукрулло)нинг муносабатларини янада бойи-тади.

Унда Фафур Гуломнинг исталган мавзу бўйича, исталган нарса ҳақида, исталган ҳодиса тўғрисида шеър ёза олиш қудрати, ҳозиржавоблик қобилияти ишонарли очиб берилган: – Кўзингга кўринган нарсани бир лаҳзада шеър қила оласанми? – деб сўради. – Ҳар бир нарсани шеър қилиш мумкин. Мана, кўзингга кўринган, кўнглингга келган бирон нарсани айтиб кўр, шеър бўладими, йўқми – биламиз кўямиз.

Мен шоирнинг хонаси ва ҳовли атрофидаги нарсаларни кўздан кечира бошладим. Бу уйдаги ҳар бир нарса шоирона дид билан танланган. Ҳар бир нарсада шоирнинг нозик табиати, ўткир фаросати кўриниб туради. Иш столи устида Гётенинг бронзадан қилинган кичкина бюсти... деворларда гилам, танбур, дутор осиглиқ. Мен ҳали ҳеч ким шеър қилиши учун кўл урмаган, Фафур аканинг ўзи ҳам кутмаган нарсани излар эдим. Бирдан нига кўзим сиёҳдонга тушди-ю, шу ҳақда бир шеър қилишларини сўрадим. Фафур ака сиёҳдонга бир тикилиб, гувраниб олди. Ниманидир тутмоқчи бўлгандек, йирик-йирик бармоқлари ҳаракатга келди. Кўзлари ёнди, лаблари ниманидир пичирлай бошлади. Ҳамлага отланган шердек бир он жим қолди, кетма-кет сатрлар қоғозга туша бошлади:

*Алишер давотга қилганда хитоб,
Қалами ёдидан кўтарилдим
Сиёҳдон, азизим, қора кўзлугим,
Қора тунлар аро ёриган кўзгу...
Улуғ жанг кунларни*

ёзар чоғимда

*Шаҳидлар қонидек
дафтарга томдинг,
Лаънати маълунлар
номин ёзганда
“Мен қора эмасман”
дединг-ку, тондинг.*

Фафур ака шеърни битказиб, менинг фикримни сўради:

– Қалай? Мен нима дердим... Битта сиёҳдон орқали шунча гапларни топиб айтиш менинг хаёлимга келмаган эди. Албатта, мактадим. Бу шеърнинг ёзилиши мен учун мўъжиза эди”.

Фафур Гуломнинг зукколиги, билимдонлиги, тантилиги, мардлиги, соддалиги, эркаликларига қойил қолмаган, беқиёс истеъдод эгаси эканлигини тан олмаган

кишилар топилмаса керак. У киши мўъжиза яратадиган афсунгар – “шеърятимиз афсунгари” эканлигига бизлар ҳам шохид бўлганмиз.

1961 йил март ойида СамДУнинг мажлислар залида Фафур Гулом билан учрашиш учун шаҳар аҳли, ўқувчилар, талабалар тўпланишди. Айниқса, олдинги қаторлардан жой олиш, шоирни яқинроқдан кўриш ва ешитиш истагидаги юзлаб толиби илмлар ешиқдан киришга ошиқар едик. Ҳали киришга улгурмасимизданок Фафур Гуломни ҳамроҳлари билан вилоят раҳбарлари кузатиб келиб қолишди. Бир қисмимиз уларга йўл беришга мажбур бўлдик. “Йўлак” очилганидан фойдаланган бир гуруҳ қизлар олға интилишди. Қизлар ҳам меҳмонларга аралашиб кетишди. Шунда Фафур Гулом ўша қизларнинг бир нечтасини тўхтатиб, нималардир деяётганлиги ва суқланиб боқаётган нигоҳларига кўзимиз тушди. Қизлардан бири нималардир деганди. Фафур Гулом кулиб юборди. Сўнг ҳамма бирин-кетин мажлисхонага кириб кетди. Гулдурос қарсақлар остида меҳмонлар президиумдан жой олишди. Тантана бошланди. Фафур Гулом ҳақида ким гапирмасин, зал уни ҳам шоирга кўшиб олқишларди. Фафур Гулом эса ўтирган чоғиданок киссасидан қоғоз ва ручка чиқарди. Залга бир зум нигоҳ ташлади-ю, нималарнидир ёза бошлади. Маърузачиларнинг нутқи унга тегишли эмасдек, ўзи билан ўзи банд эди. Чехрасида баъзан нимкулги балқир, баъзан ўта жиддийлик намоен бўларди. Биз табиийки, сўзга чиқувчиларнинг гапларига муносабат билдириш учун бирор нарсалар қоралаётган бўлса керак, деган фикрга борардик. Сўз берилганда уларни «бопласа» керак, деб ўйлардик.

Мажлис раиси Фафур Гуломга сўз берди, олқишлар янгради. Шоир ўнг қўлини кўтариб залдан тинчланишни сўрадиларда, «Сизларга бағишлаб ҳозиргина ёзганим шеъримни ўқиб бераман» дедилар:

“СамДУ қопқасида бир қизни кўрдим”.

Бумисрани ешитиш билан залдагилар гулдурос қарсақ чалиб юборишди. Бироздан сўнг шоир мамнун киёфада залга нигоҳ ташлади ва қўлини кўксига кўйиб, раҳмат, дегандай эгилиб кўйди. Бир зумда зал шунчалик тинчландики, пашша учса ҳам эшитиларди. Фафур Гулом жарангдор ва ширали овозда шеър ўқий бошлади:

СамДУ қопқасида

бир қизни кўрдим,

Етти ранг товланган

куёш каби пок.

*Кошкийди ўттиз йил
орқага қайтиб,
Ишқимни айтас эдим
қилиб ёқа чок.*

*Сўзларнинг жарангин
эшитмак учун,
Изланиб, тополдим баҳона –
савол.*

*Самарқанд тонгининг
елидай майин
Кулимсираб лаб очди,
бир бутун жамол:*

*– Майиз бозорига чандан
борилур,
Анжир ҳам шу ерда,
анор ҳам шунда.
Мунча ҳам соддасиз,
мунча ўзбексиз,
Йўл йитиб бўларми,
ёп-ёруғ кунда...*

*Агар-чи, қадимий
Самарқандийман,
Кафтим чизигидай
ҳамма ер аён.
Бағримни эркалаш,
муסיқа тинглаш,
Ғоят зарур эди
шу нозик баён.*

*СамДУ қопқасида
кўрганам қизнинг
Қаймоқ мазмунига
жоним омода.
Самарқанд мазмуни
кўркам юлдузни
Севсам севибман-да,
ўзбекман, содда...*

СамДУнинг қизи – “Илҳом париси” сабаб Фафур Гулом ҳамма самарқандликларга меҳру муҳаббатини ана шундай изхор этди. Айни пайтда, бетакрор бадиҳагўй шоирлигини, ёшликни жудаям кумсаган ҳазилкаш ва нуруний инсонлигини, умуман, ўзбекнинг содда мутафаккири, шеърятимизнинг кўркам юлдузи эканлигини кўрсатган эди, ўшанда. Шоир “Капалак умрига киёс этгулик” умри жараёнида содда, аммо мазмунга бой, файласуфона сатрлари билан шеърят ихлосмандлари қалбида ўчмас из қолдирди. Қалбимизда у шундай нақшланади ва ўлмас асарлари билан тирикдай бугун ҳам Сизу мен билан Истиклол сари улкан одим отмоқда.

**Ҳотам УМУРОВ,
СамДУ профессори,
филология фанлари доктори**